



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 29 март, шанба • №26 (11.517) • Эркин нархда сотилади

Муносабат

ИСЛОҲОТЛАР ЯНАДА ЧУҚУРЛАШАДИ

Шу йил 28 февралда Оксарой қароргоҳида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва жадаллаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишда аграр соҳада бозор муносабатларини чуқур жорий этиш, бозор хусусиятига эга бўлган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг эркинлигини чекламайдиган, яъни уларнинг меҳнатини баҳолашнинг янгича мезонларига ўтиш, умумий қилиб айтганда, қишлоқ хўжалик тизимини тубдан қайта кўриб чиқишни назарда тутувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга қаратилган Президент Фармони тайёрланаётгани ҳақида сўз борган эди.

Шу тариқа Юртбошимизнинг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги ушбу Фармони ҳаёт юзи-

ни кўрди. Айни кунларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ барча меҳнат жамоаларида Президент Фармонининг

ҳар бир банди катта қизиқиш ва манфаатдорлик билан ўқиб, ўрганилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, янги Фармон ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан, аниқ белгилаб берилган вазифа ва мақсадлар нуқтаи назаридан қишлоқ хўжалигидаги ислохотларга оид муҳим масалаларни қамраб олган. Яна ҳам лўнда айтганда, асосий эътибор ижарачи ва пудратчи, ширкат ва фермер хўжаликларига том маънода эркинлик бериш, уларда ерга эгалик ҳиссини қонун ҳужжатлари билан мустақамлашга қаратилди. Бу ҳолат эндиликда жойларда қишлоқ тадбиркорлари ва фермерларнинг фаолиятига маъмурий-буйруқбозлик билан асоссиз аралашувларга барҳам беради. Хусусан, Фармоннинг иккинчи бандига мувофиқ ижарачи, пудратчи ва фермерлар хўжаликнинг қайси соҳага ихтисослашганига қараб, тузиладиган контрактация шартномасига асосан экинларни мустақил

(Давоми 3-бетда).

Корхона жамоаси ўзининг сифатли полос ва гиламлари билан ички ҳамда ташқи бозорга дадил кириб бормоқда. «Поёндоз»нинг Олмалиқда чет эл сармоядорлари билан биргаликда бунёд этилган қўшма корхоналар қаторига қўшилганига кўп бўлгани йўқ. У йигирманчи асрнинг сўнгги йилида ўзбек ва эронлик тадбиркорларнинг яқин ҳамкорлигида барпо этилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида инқирозга юз тутган, кейинчалик унинг негизида польшалик сармоядорлар билан яратилган, аммо кўп ўтмай тарқалиб кетган қўшма корхона ўрнида қад кўтарди. Бу гал бунёд этиш ва фойдаланиш ишлари пухта ташкиллаштирилгани, шерикларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари икки ўртада тузилган шартномада аниқ белгилангани ва унга қатъий амал қилинаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми бозор талабига мос ҳолда муттасил ортиб бормоқда. Замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялардан фойдаланиш шунга ёрдам бермоқда.

СУРАТДА: корхонанинг илғор ишчиси Ольга Воронилкина.
Даврон АҲМАД олган сураат.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ йўналтирилишини кучайтириш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қонунчилик асосида бериладиган имтиёзлар ўрнига энг кам иш ҳақи ҳисобидан табақалаштирилган миқдорларда ойлик компенсация пул тўловлари жорий этилсин.
2. Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг суммаси меҳнат ҳақи фондига қўшилиши ҳамда иш ҳақи (пенсиялар) тўланадиган муддатларда тўланиши белгилаб қўйилсин.
3. Республика Давлат бюджет ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ушбу Фармонга мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларини жорий этиш билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаш манбаи этиб белгилансин.
4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловлари механизми тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.
5. 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида" 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сон Фармонининг 6-банди ва 3-ило-васи;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ядро полигонларида ва бошқа ядровий-радиация объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тўғрисида" 2002 йил 30 майдаги ПФ-3079-сон Фармони 1-бандининг учинчи хатбоши ва 4-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа тегишли идоралар билан биргаликда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирилишини таъминласин.

7. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 27 март.

МАҲАЛЛАНING ЎЗ ГУЗАРИ БЎЛАДИ

Чирчиқ шаҳар маҳаллаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга катта эътибор билан қаралмоқда.

Буни шаҳардаги биринчи сонли маҳалла мисолида ҳам кўриш мумкин. Обод маҳалла йилида кунлар иллий бошлаши билан бундай хайрли ишлар юзасидан чора-тадбирлар аниқ белгилаб олинди.

Бўш ётган учта майдонда мевали боғлар ташкил этилди. Гузар барпо этилмоқда. Унда сартарошхона, новвойхона, этикдўзлик устахонаси ва бошқа шу каби аҳолига хизмат кўрсатувчи шохобчалар ҳам бўлади.

— Маҳалламиздаги ҳомийлар, тадбиркорлар ва аҳоли яна бир хайрли ишни амалга оширишни режалаштиришди, — дейди маҳалла кўмитаси раиси Ботир Давронов. — Бошланғич синф ўқувчилари учун бир неча синфхоналардан иборат мўъжазгина мактаб қуришни бошламоқчимиз. Ҳозир унинг лойиҳасини тайёрлашга буюртма бердик. У тахт бўлгач, ўқув масканини қуриш бошлаб юборилади.

Ўз мухбиримиз.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази кенгаши ўзининг Тошкент вилоят бўлими билан ҳамкорликда Қибрай туманида халқ вакиллари билан очиқ мулоқот ўтказди.

Марказ раҳбари, филология фанлари номзоди Қуддус Аъзамовнинг Ўзбекистоннинг бугунги тинчликсевар ташқи сиёсати тўғрисидаги суҳбати йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Фикр алмашувда Салор шаҳарчаси хотин-қизлар кўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Озода Шукурова, Қибрай шаҳар «Фурқат» маҳалласининг оқсоқоли Толиб Тўраев ва бошқалар фаол иштирок этишди. Шоир Маҳмуд Тоировнинг янги шеърлари очиқ мулоқот иштирокчиларига манзур бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Қибрай туманидан сайланган депутат Асадулла Абдурахмонов ўз сайловчиларига мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр ислохотларнинг бориши хусусида гапириб берди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар. Очиқ мулоқотда вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИ ТОКИОДА



Токио шаҳрининг энг гавжум Шинжүку даҳасида жойлашган «Konika Plaza» марказий фотокўргазмалар залини японияликлар жуда яхши билди. Чунки, жаҳонга машҳур ушбу компания бу ерда сураткашларнинг турли мавзулардаги қизиқарли асарларини намойиш этади.

Яқинда «Konika» мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон болалари фотокўргазмасини уюштирди.

Мазкур тадбирда «Хайрат кўзлари» лойиҳаси асосида тайёрланган лавҳалар намойиш этилди. Олти ёшдан ўн етти ёшгача бўлган ўзбекистонлик болалар томонидан турли мавзуларда олинган фотосуратлар японияликларда жуда катта таассурот уйғотди.

Б. АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА.
Токио.

ГЕРМАНИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Германия пойтахти Берлин-Митте районининг соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан тақдим этилган тиббий ускуна ва анжуманлардан иборат навбатдаги юк Ўзбекистонга жўнатилади.



Ушбу инсонпарварлик ёрдами Германия Қизил Хоч жамияти кўмагида республикамиз Қизил ярим ой жамияти номига юборилди.

Умумий қиймати 180 минг евро, ҳажми эса 25 тоннадан ортиқ мазкур юк тиббиёт-санитария жиҳозлари, тезкор терапия хоналарида қўлланиладиган филдиракли ўриндиқлар ҳамда касалхоналар учун зарур бошқа анжуманлардан иборат.

Инсонпарварлик ёрдамини юклаш ва мамлакатимизга жўнатиш ишларида Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги элчихонаси ходимлари иштирок этдилар.

Аслам АКБАРОВ,
«Жаҳон» АА.

Бельгия пойтахти яқинида-
ги Бемел шаҳрида анъанавий
«BELASIA – 2003» сайёҳлик
кўргазмаси бўлиб ўтди.

«BELASIA» ноҳукумат ташкилоти 1992 йилда Бельгия қироллиги ва Осиё қитъаси мамлакатлари билан савдо-иқтисодий, инсонпарварлик, маданият ва сайёҳлик соҳаларида муносабатларни мустаҳкамлаш учун ташкил этилган эди. Унинг асо-

«BELASIA – 2003»ДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

сий фаолияти Жанубий-Шарқий, Жанубий Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатларининг йирик сайёҳлик ва авиация компаниялари иштирок этадиган ҳар йилги сайёҳлик кўргазмасини ташкил этишдан иборатдир.

Ўтган йили Ўзбекистоннинг мазкур анжумандаги илк бор

иштироки катта муваффақият билан ўтган эди. Шу боис Бельгия томони мамлакатимизга «BELASIA – 2003»да мезбон сифатида қатнашишни таклиф қилди. Кўргазма ташкилий қўмита раиси Жильбер Роелс сўзлари-га қараганда, ушбу таклиф ёш мустақил Ўзбекистоннинг халқаро сайёҳлик соҳасида муносиб

ва тенг ҳуқуқли шерик эканлигининг эътирофидир.

Мамлакатимизга бағишланган бўлимда юртимиз ҳаётини акс эттирувчи турли ахборот материаллар, проспект ва буклетлар ҳамда халқ амалий санъати буюмлари намойиш этилди.

«Жаҳон» АА.

Май ойи бошида пойтахтимизда Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик мажлиси бўлиб ўтади. Мазкур мажлис ҳамда у билан баробар ўтадиган Бизнес-форум тўғрисида ўша кунлари Тошкент жаҳоннинг молиявий марказига айланади. Зеро, пойтахтимизга олтидан зиёд мамлакатдан ҳукумат аъзолари, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар, молиявий муассасалар, йирик транснационал компания ва корпорациялар вакиллари, таниқли сиёсатчилар, ишбилармонлар ва сармоядорлар, жамоат арбоблари таъриф бўлурди.

Мамлакатимизда бу йирик анжуманга қизғин ҳозирлик кўрилмакда. Жамоатчилигимиз тайёргарлик ишлари билан оммавий ахборот воситалари орқали танишиб борапти.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан ушбу анжуманга ҳозирлик жараёни ва уни ёритишда журналистлар учун кенг қулайликлар яратиб бериш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмакда. Нафақат Ўзбекистон, балки хориждаги оммавий ахборот воситалари вакиллари ахборот таъминоти борасида ёрдам бериш, тадбирлар тезкор ва муносиб ёритилишини таъминлаш мақсадида Тошкентда ЕТБ анжуманининг доимий ишловчи Матбуот маркази ташкил этилди. 27 март кунининг тақдироти бўлиб ўтди.

Марказ оммавий ахборот воситалари ходимлари фаолиятида қўлланиладиган барча техника воситалари билан таъминланган. Бу ерда журналистлар ўзига керакли ахборотни топиши, тайёрлаши, зарур ҳолда қўшимча маълумот олиши, ҳордик чиқариши учун барча шароит мўҳайё. ЕТБ анжумани ўтиб бўлгунча қадар, мунтазам равишда Ўзбекистон ҳукумати аъзолари, банк ва бизнес тизимларида фаолият юритувчи масъул шахслар иштирокида матбуот анжумани ўтказиб борилади. Унинг журналистларга яхши таниш бўлган Миллий матбуот маркази биносидан жойлашгани яна бир қулайликдир.

Тақдирот маросимига маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари йиғилди. Журналистлар сони одатдаги анжуманлардагидан кўп эди. Бунинг сабаби аён: ЕТБнинг Тошкент анжуманига қизиқиш Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам катта. Шу муносабат билан, матбуот маркази раҳбари Шерзод Қудратхўжаев Ўзбекистон демократия тамойилларини ҳурмат қиладиган очиқ мамлакат эканлигини таъкидлаб, журналистлар ўзини қизиқтирган барча саволлар билан шу ерга мурожаат қилиши мумкинлигини айтди.

Матбуот марказининг илк меҳмони эса тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раисининг ўринбосари, мамлакатимиз томонидан ЕТБнинг бошқарувчиси – Ўзбе-

ЕТБ АНЖУМАНИ: МАТБУОТ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

кистон Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодий вазир Рустам Азимов бўлди. У учрашув аввалидаёқ Тошкент анжумани нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Шунингдек, Бош вазир ўринбосари мамлакатимиз кўпгина халқаро молия ташкилотларига аъзо, лекин ҳамкорлик қўлами бобидан улар орасида ЕТБ етакчилик қилишини қайд этди.

Матбуот анжуманида 25 апрелгача пойтахтдаги таъмирланаётган меҳмонхоналарнинг барчаси хизматга шай ҳолга келтирилиши маълум қилинди. Бу Тошкентда 2500 ўринлик жаҳон андозаларига мос меҳмонхона хўжалиги юзага келади, деган гап. Ўтибборли томони шундаки, бу борада чекилаётган харажатлар ҳукумат эмас, хусусий сармоядорларга, 2500 ўриннинг чораги хусусий меҳмонхоналарга тегишлидир.

Дунёда ҳар қандай йирик, нуфузли тадбирга мезбонлик қилиш ҳуқуқи кучли рақобат орқали қўлга киритилади. Олимпия ўйинлари, бошқа йирик спорт мусобақалари каторида, молиявий соҳага оид катта тадбирлар ҳам шулар жумласидандир. Бир мисолни келтириб ўтиш ўринли бўлади: ЕТБнинг йиллик мажлисини ўтказишда бир анъана бор эди. Бир йили у Банк қароргоҳи жойлашган Лондонда, кейинги йили эса Банк фаолият юритадиган бирор бошқа мамлакатда ўтказиларди. Ўтган йилги мажлис Бухарестда бўлди. Демак, бу йил яна Лондоннинг навбати эди. Лекин мажлисга Тошкент мезбонлик қиладиган бўлди. Шу мисолнинг ўзи Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи нечоғли ортиб бораётга-

ҳақидаги битим 1990 йил 29 май кунини Парижда имзоланган. Битим 1991 йилнинг 28 мартда кучга кирди. Ўша йили 15-17 апрель кунлари Лондонда ЕТБнинг биринчи мажлиси бўлди.

90-йиллар бошида мустақилликка эришган мамлакатлар янги иқтисодий тизимни юзага келтириш, хусусий секторни яратиш, қарор топтириш ва мустаҳкамлаш учун ёрдамга эҳтиёж сезарди. ЕТБ вазифалари доирасида ана шу ёрдам ҳам бор. Ҳозирги кунда Марказий Европада Марказий Осиёгача бўлган улкан ҳудудда 27 давлат ушбу банкнинг сармоя воситаларидан фойдаланмакда.

ЕТБ мана шу минтақадаги энг катта сармоядорлардан ҳисобланади. У фақат ўз воситалари ҳисобига кредит ажратиш билан чекланмайди, катта миқдорда сармоя ҳам жалб қилади. Унинг акциядорлари аъзо давлатлар бўлса-да, сармояси тижорий шериклар билан ҳамкорликда асосан хусусий корхоналарга йўналтирилади. Шунингдек, хусусийлаштириш ва қайта ташкиллаштиришга ёрдам кўрсатиш учун давлат корхоналари билан ҳам ҳамкорлик қилади. Коммунал хўжаликни такомиллаштиришга кўмаклашади.

ЕТБнинг акциялари 60 мамлакат ва иккита халқаро ташкилот (Европа ҳамжамияти ва Европа сармоя банки) қўлида. Ўзбекистон 1992 йилнинг апрелида унга аъзо бўлган. ЕТБнинг нуфузини шундан билиш мумкинки, номи "Европа" сўзи билан бошланишига қарамай, АҚШ, Канада, Япония, Янги Зеландия, Миср каби мамлакатлар ҳам унинг акциядорлари сафидан жой олган.

Банкнинг молиявий негизи 20 миллиард евроли ташкил этади. ЕТБ молия воситаларининг қудрати ва унинг оқил стратегиясини Standard & Poor ва Moody's рейтинг агентликлари томонидан берилган юқори баҳо билан тасдиқлаш мумкин.

Тошкент анжумани доирасида ЕТБ Бошқарувчилар кенгашининг мажлиси ва Бизнес-форум қаторида бир қанча семинарлар ҳам ташкил этилади. Бу семинарларда минтақавий интеграцияни ривожлантириш, сармоялар оқимини кенгайтириш мақсадида турли мамлакатлар иқтисодий имкониятларининг тақдироти бўлиб ўтади.

Ташкилий қўмита маълумотларига кўра, Тошкентга келиши кутилаётган 2 мингдан зиёд меҳмоннинг 1200 нафари сармоядор. Уларнинг барчаси юртимизда бизнес очиш учун мавжуд имкониятлар, яратилган қулайликлар, ҳуллас барча шарт-шароитни ўз кўзи билан кўриши иштиёқда. Шунинг таъкидлаш жоизки, одатда ЕТБ анжумани ташкил этилган жойда, тадбир ўтганидан кейин, сармоя ҳажми ортиши кузатилади. Демак, янги фойдали лойиҳалар тузилиши, самарали шартномалар имзоланишига йўл очилмакда.

Шу кунгача Ўзбекистонда ЕТБ иштирокида 7 лойиҳа амалга оширилди, яна 13 лойиҳанинг ижроси давом этмокда. Уларнинг умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Ҳозирги кунда жами 320 миллион долларлик яна 8 лойиҳа тайёрланмакда. Яқинда тасдиқланган янги стратегияга мувофиқ, ЕТБ Ўзбекистон билан кичик ва ўрта бизнес ҳамда молия соҳасини ривожлантириш, банкларни хусусийлаштиришда ҳамкорликни кенгайтиради.

Банк тарқатган расмий маълумотларда айтилишича, у Ўзбекистонга самарали ёрдам кўрсатиш борасида умумий қарашларни ишлаб чиқиш учун Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки каби муассасалар билан мулоқотни давом эттиради.

Тошкентнинг ЕТБ анжуманига мезбонлик қилиши Ўзбекистоннинг халқаро сиёсат майдонидаги нуфузи, улкан иқтисодий салоҳияти, Президент Ислам Қаримов раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ва изчил ислохотлар жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётганидан, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик дунё эътиборида турганидан яна бир далолатдир.

Анвар БОБОЕВ,
УА мухбири.

УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО ЯРМАРКАСИ

Янгийул шаҳридаги «Мадина» ресторани биносидан 2003 йил 7-13 апрель кунлари вилоятнинг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи йирик саноат корхоналари, ўрта ва кичик бизнес объектлари, «Маҳаллий саноат», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзбекчармпойабзал», «Ўзбекипаги» республика уюшмалари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча савдо корхоналари (савдо-акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, хусусий фирмалар, яқка тадбиркорлар) иштирокида улгуржи савдо-ярмаркаси ўтказилади.

Манзил: Янгийул шаҳри, Самарқанд кўчаси, 145-уй, «Мадина» ресторани биноси.



МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН ДОРИ-ДАРМОН

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши қошидаги Фан ва технологиялар маркази аҳолининг дори воситаларига бўлган талабини янада тўлароқ қондириш, ўзимизда тайёрланган сифатли, арзон дори-дармонлар билан таъминлашни кучайтириш борасида "Ўзфарманоат" давлат концерни билан кенг қамровли инновация дастурини амалга оширмоқда.

– Дастур доирасида маҳаллий хомашёдан турли дори-дармон ишлаб чиқариш тизими тобора шаклланимоқда, – деди марказнинг инновация лойиҳалари бўйича танловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бошлиғи Одилхўжа Парпиев ўза муҳбирига. – Мазкур давлат концернида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи 11 фармакологик ғуруҳга бўлинган 50 дан ортиқ дори воситаси дорихоналарга етказилди.

Муносабат

жойлаштирадilar. Хўжаликлар ҳам етиштирилган маҳсулотни, мол-мулкларини, моддий ва молиявий заҳираларини ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар.

Президент Фармонида мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш тизимини бозор муносабатлари талабларига мослаб тубдан ўзгартиришни, аввало, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тахсимотчилик ролига барҳам бериш ва тармоққа раҳбарлик қилишнинг маъмурий-бўйруқбозлик усулларидан воз кечишдан бошлаш назарда тутилган. Вазирликнинг бундан буёнги асосий вазифалари тармоқни давр талабига мос ҳолда изчил ва барқарор ривожлантиришга қаратилган ягона агротехникавий сиёсатни олиб бориш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга бозор муносабатлари асосида хизмат кўрсатувчи тизимлар фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат бўлади. Шу мақсадларда вазирликнинг марказий апаратидида пахтачилик ва ғаллачилик, сабзавот ва полизчилик, мева ва узумчилик ҳамда чорвачиликни ривожлантириш билан шугулланувчи кенгашлар ташкил этилади.

Фармонда фермер хўжаликларини тузиш ва улар фаолиятини ташкил этишнинг янгича тамойиллари ва тартиб-қоидаларига амал қилиш назарда тутилган. Бундан буён фермер хўжаликлари асосан зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истикболсиз хўжаликлар негизда ташкил этилади. Ер майдонлари уларга эллик

(Давоми. Боши 1-бетда).

ИСЛОҲОТЛАР ЯНАДА ЧУҚУРЛАШАДИ

йилгача муддатга, шу даврда мерос қолдириш ҳуқуқи билан ижара усулида фойдаланиш учун берилади ва бу ер ширкат хўжалиги балансида чиқарилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб бериш, моддий-техника ресурсларини олиш ва хизматлардан фойдаланиш учун тайёрлов, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан шартномаларни тўғридан-тўғри фермерларнинг ўзлари тузадилар.

Бундан қутилаётган асосий мақсад ижарачи, пудратчи ва фермерлар билан хўжалик бошқаруви ўртасида тузилаётган шартномаларнинг тўлиқ қонуний кучга эга бўлишини таъминладир. Чунки, кўп ҳолларда бундай шартномалар шунчаки расмийтачилик учун, аниқроғи «хўжа-кўрсин» қабилда тузилади. Шу боис, ҳатто, асосий бандлари ҳам бажарилмай қолиб кетаверади. Энг ачинарлиси эса, бундай масъулиятсизлик учун лозим даражада жазо чораси қўлланилмайди. Шартномаларга нисбатан бундай муносабат эса, ўз навбатида ижарачи, пуд-

ратчи ва фермерларда ўзибўларчилик, лоқайдлик кайфиятини уйғотиши табиийдир.

Эндиликда ишлаб чиқариладиган янги намунавий шартномаларда томонларнинг ҳуқуқ ва ўзаро мажбуриятлари, ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва муддатлари, шартнома мажбуриятларининг ижроси юзасидан жавобгарлиги аниқ белгилан

қўйилади. Энг муҳими — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи тайёрлов, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатда устувор мавқега эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, республика Президентининг янги Фармони қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги ишлаб чиқариш муносабатларининг лозим даражада такомиллашувига, тармоқни бошқаришнинг бозор иқтисодиёти талабларига мос тамойиллари шаклланиб, амал қила бошлашига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ҳар томонлама эркин ва мустақиллиги тўла таъминланишига, хуллас, қишлоқдаги иқтисодий ислохотларнинг кескин жадаллашуви ва янада чуқурлашувида хизмат қилади.

Абдусамод ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус муҳбири.



Бугуннинг гапи



Ҳозир вилоятдаги барча суғориладиган майдонлардаги кузги ғалла тўлиқ туплаш ва найчалаш даврини бошдан кечирмоқда. Бундан буёнги энг долзарб вазифа ҳар бир майдондаги ғалла қайси ривожланиш босқичида эканлигини ҳисобга олган ҳолда меъёрида озиклантириш, талабга қараб суғориш, бегона ўтларга қарши гербицид сепиш, турли касаллик ва зараркунанда ҳашаротлар тарқалишининг олдини олишдан иборатдир.

Маълумки, ғалладан мўл ҳосил олиш учун бутун ўсиш даврига мўлжалланган жами азотли ўғитнинг 30-35 фоизи экиш олдида эки экиш билан бир вақтда соф ҳолда берилган. Энди эса, тўлиқ туплаш даврида бўлган майдонларга 70-80 килограмм, найчалаш давридаги ғаллага 80-90 килограмм соф ҳолда бериш лозим. Гуллаш босқичига кирган майдонларга эса, гектарига 20-30 килограмм миқдоридидаги соф азот ўғитини шарбат билан қўшиб бериш ҳосил учун жуда фойдалидир.

Ғалланинг бақувват ривожланишини

ҒАЛЛА ХИРМОНИНИНГ БАРАКАСИ

муҳим агротехник тадбирларнинг бугун айна вақтида ва сифатли ўтказилишига боғлиқдир

таъминлаш ва касалликларга чидамлилигини ошириш мақсадида айна кунларда барг орқали озиклантиришни йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун алоҳида ўн литр сувда 7 килограмм суперфосфат ўғити ва 8 килограмм калий ўғитини эритиб, бир гектар майдонга етадиган эритма тайёрлаб, шарбат усулида суғориш ҳосилдорликка катта наф беради. Агар ушбу эритма бегона ўтларга қарши гербицидлар билан биргаликда қўлланилса, яхши самара беради. Ҳар бир озиклантиришдан сўнг, ғалла кетма-кет суғорилса, ўғитнинг самараси янада ошади. Ривождан орқада қолган майдонларга қўшимча минерал ўғит суспензияси бериб, шарбат усулида суғориш ҳосилдорликка катта наф беради.

Ғалла найчалаш даврини ўтаётган пайтда бошоқлар шаклланиб, шу пайтда берилган ўғит бошоқнинг катталашувида, ундаги донларнинг сони ва салмоғига ижобий таъсир қилади. Шу боис ҳозир кўклагми иккинчи озиклантиришни тезроқ яқунлаш талаб этилади. Етиштирилладиган доннинг сифати юқори бўлиши учун ғалла бошоқлаганидан сўнг гекта-

Швейцариянинг Женева шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа комиссияси томонидан ташкил этилган жаҳон тадбиркор аёлларининг иккинчи форуми ўтказилди.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ЖЕНЕВАДА УЧРАШИШДИ

Форумда жаҳоннинг қирққа яқин давлатидан уч юзга яқин тадбиркор аёл иштирок этди. Унда, асосан, халқаро банклар ҳақида кенг маълумот берилиб, кредитларни жалб этиш йўллари ҳамда тадбиркорларнинг Интернет орқали фаолият юритишига оид масалалар муҳокама этилди.

Беш кун давом этган форумда дунёнинг кўзга кўринган етакчи банкларининг

тақдироти ўтказилди. Унда тадбиркорларга кўрсатилиши мумкин бўлган барча хизматлар ва кўмаклар юзасидан батафсил маълумот берилди. Шу билан бирга, тадбирда иштирок этган барча давлатларнинг тадбиркор аёллари ўз фаолиятлари ҳақида сўзлаб беришди. Ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича музокара-лар бўлиб ўтди.

Ў.А.

КЎРГАЗМАДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

Японияда «FoodEX Japan 2003» 28-халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Етмишдан зиёд давлатнинг 2250 фирма ва компаниялари иштирок этган ушбу кўргазма кунчи-қар мамлакатини бошқарув, меҳмонхона ҳамда сайёҳлик уюшмалари томонидан ташкил этилган эди.

Ҳар йили ўтказиладиган мазкур анжуман ишлаб чиқарувчи корхоналар ва савдо ташкилотлари ўртасида амалий ҳамкорликни ўрнатиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни нафақат Осиё-тинч океани минтақасида, балки бошқа мамлакатларда ҳам кенг тарқалиши учун қулай имконият яратади.

Кўргазмада мамлакатимиз озиқ-овқат саноати маҳсулотлари «Ўзмева-сабзавотузмасаноат» холдинги компанияси, «Ўзбекбирлашув» ҳиссдорлик компанияси, «Ўзноммаҳсулот» давлат ҳиссдорлик компанияси, «Сертификатон» ҳиссдорлик жамияти ҳамда «Ўзматлукотсавдо» компаниялари томонидан намоиш этилди.

«Жаҳон» АА.

апрель ойининг ўртаси, тўртинчи марта майнинг боши ва нияҳат, бешинчиси май ойининг охирида суғорилиши керак. Бироқ бу муддатлар об-ҳаво ва тупроқ шароитига қараб ўзгариши мумкин.

Ҳозирги найчалаш бошланиш арафасида бўлган майдонларга бегона ўтларга қарши гербицид сепишнинг айна пайти. Гектарига базагран гербицидининг 47 фоизли суюқ эритмасидан 0,15-0,5 литр, гранстар ДФ гербицидининг 75 фоизли эритмасидан 15-20 грамм сепади.

Ғаллага касаллик тушишининг олдини олиш ва унга қарши курашишга ҳозирдан киришган маъқул. Ҳозир ҳамма ерда кенг тарқаладигани занг касаллигидир. Бу касаллик асосан апрель ва май ойларида об-ҳавонинг нам келиши оқибатида кўп тарқалади ва ҳосилни 30-40 фоизгача камайтиради. Бунинг олдини олиш учун далаларни мунтазам кузатиб бориш зарур. Касаллик белгилари аниқланган майдонларга фоликор, тилт, бейлетон дори-ларини тавсия этилган миқдор ва тартибда сепиш лозим.

Кейинги пайтда ҳашаротлардан шиллиққурт, хасва ва шира кенг тарқалмоқда. Айниқса, шиллиққурт кўпайиб, ҳосилнинг қарийб 40 фоизини нобуд қилмоқда. Бунга йўл қўймаслик учун ғалла найчалашидан то мумпилиш давригача изчил кузатув олиб бориш зарур. Шиллиққурт ғаллазорнинг чеккаларидида кўпайиб, тарқалади. Агар бир квадрат метр майдонда 10-15 та қурт борлиги аниқланса, унга қарши кураш бошлаш лозим. Шиллиққурт, хасва ва ширага қарши гектарига 2,5 фоизли детис дорисидан 0,2 килограмм, каратэ дорисидан 0,15-0,20 килограмм ишлатиш тавсия этилади.

Dushanba

31

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.25 «Туртинчи ҳокимият»
9.40 «Қюша ва Компьюша». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Учучининг парвози». Бадий фильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
11.55, 13.55, 16.25 ТВ анонс.
12.05 «Спорт оламида»
«Болалар сайёраси»:

13.05 1. «Ўлғайиш погоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
14.10 «Обод уйда пок одамлар яшайди»
14.30 «Ўзбекистон» каналда илк мартаба: «Меҳрибон одамлар». Бадий фильм.
16.10 Эстрада тароналари.
16.30 «Камилла». Телесериал.
17.00 «Қалб гавҳари»
17.20 «КиноТеатр»
17.40 Мумтоз наволар.
18.10 «Қимматбаҳо совға». Мультфильм.
18.20 «Репортаж»
18.25 «Япония: руҳият ва макон». Хужжатли телесериал премьери.
19.10 «Мулкдор»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот»
21.05 2003 ил – Обод маҳалла йили.
21.25 ТВ клип.
21.35 «Хивада Наврўз»
21.55 «Ўзбекистон» каналда илк мартаба: «Камилла». Телесериал.
22.25 «Сарҳад билмас дустлик»
22.45 «Бир жуфт қўшиқ»
22.55 «Ахборот-дайжест»
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

9.55 Кўрсатувлар дастури.
10.00 Давр тонги.
11.00 «Янги авлод» студияси: «Қатта танаффус», «Хар соҳага саёҳат», мультфильм.
11.50 Саломатлик сирлари.

12.10 «Алвон ёлқинлари». Бадий фильм.
13.35 Олов билан юзма-юз.
13.50 Жаҳон жўғрофияси.
14.40 Болалар экрани: «Мультмоша»
14.55 Минг бир ривоят.
15.00 «Давр» ҳафта ичида.
15.30 ТВ-анонс.
15.35 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
16.00 Спорт ҳафтано-миси.
16.15 Миришкорда Наврўз.
16.40 «Ит уяси». Телесериал.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» почтаси.
17.25 «Анпанман». Мультсериал.
17.50 ТВ-анонс.
17.55 Замона ёшлари.
18.15 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
18.30 Муқаддас бурч.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс.
19.40 Дийдор.
20.00 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
20.20 Ёшлар овози.
20.40, 21.25, 22.35 Ёшлар
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Кишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.
Танаффус пайтида: 0.00 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Муҳаббат ристаси»
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.10 «Пойтахт». Ахборот

дастур.
18.50 «Спорт ва болалар»
19.25 «Халқ саломатлиги йўлида»
19.50 «Авто-пьюс»
20.25 ТТВда сериал.
«Мафтункор аёл»
21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам»
22.10 «Пойтахт шарҳи»
22.35 Киноингоҳ.
«Мушкетёрлар 20 йилдан сўнг»
1-қисм.
23.35-23.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Мультсеанс»
16.15 «Вести»
16.30 Кинематограф.
«Лесси». Бадий фильм.
18.00 «Мени кутгил»
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»
20.00 «Время»
20.35 «Сунгги қахрамон-3»
21.40 «Бизнес ревью»

21.45 «Спорт масканларида»
22.00 «Азиз инсонлар»
22.15 CFI тақдим этади: «XX асрнинг буюк инсонлари»
22.50 «Ахборот» (рус тилида)
23.25 Кинематограф.
«Фаришта». Бадий фильм.
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55гача
профилактика ишлари.

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Маърифий дастур»
17.40, 20.45 «Телехамкор»
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Айбсиз айбдор»
19.30 «Ошиқона» мусикий дастури.
19.45 «Қотил кундалиги». Сериал.
21.05 «Клип-совға». Телетаб-рикома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Асосий гумондор»
23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba

1

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Рангин дунё»
9.20 «Қўҳна замин оҳанглири»
9.40 «Кишлоқ ҳақида ўйлар»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Мулкдор»
10.20 «Анқов»
Бадий фильм.
11.55 ТВ анонс.
12.05 «Нурли манзиллар»
12.20 «Турфа ханго-малар»
12.45 «Қўпчилик каторида»
13.05 «Кувноқлар ва зукколар». Телемусобақа.
13.50 ТВ клип.
14.10 «Муносабат».

14.50 «Кавказ асира-си». Бадий фильм.
16.05 «Хивада Наврўз»
16.25 «Камилла». Телесериал.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан!»
18.10 «Репортаж»
18.15 «Ўзбектеле-фильм» намоиши: «Ўзбек таомлари». Премьера.
18.35 «Баркамол авлод орзуси»
18.55 «Қўшиғимиз сизга армуғон»
19.10 «Тафсилот»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекис-тон янгилари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 «Сиёсат олами-да»
21.20 ТВ клип.

21.30 «Ўзбекистон» каналда илк маро-таба: «Камилла». Телесериал.
22.00 «Келин-куёв». Телешоу.
23.00 «Ахборот-дайжест»
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.30 «Анпанман». Мультсериал.
9.55 Уйна, болажон, уйна.
10.10 «Йўлбарс ҳақида ҳақиқат». Хужжатли фильм.
11.00 «Ташаббус – 2003». Республика танловининг якуний босқичи.
11.25 «Ит уяси». Телесериал.
11.50 Келинг, кули-шайлик.
12.10 «Гвадалупе». Телесериал.
12.50 Ёшлар овози.
13.10 Интерфутбол.

14.50 Болалар экрани: «Мультмоша»
15.05 Муқаддас бурч.
15.25 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
15.50 Кишлоқдаги тенгдошим.
16.10 «Ит уяси». Телесериал.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси: «Қўшиқ бизларга ҳамроҳ»
16.55 «Анпанман». Мультсериал.
17.20 ТВ-анонс.
17.25 Таянч.
17.50 Ёшлар овози.
18.10 Минг бир маслаҳат.
18.30 Автопатруль.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»-интер-вью.
19.55 «Сирли коинот». Маърифий фильм.
4-қисм.
20.20 Маслаҳат.
20.45, 22.35 Ёшлар
20.50 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Марди майдон.

21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Хандалак плюс.
22.50 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалда спорт дасту-ри: Нокаут.
23.40 Давр.
23.55-0.00 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «ТТВда сериал»
«Муҳаббат ристаси»
17.55, 19.00, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 20.40, 22.20 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Кулишни унутманг»
19.20 «Наврўз ханго-малари»
20.25 «Нима учун?» гуруҳи тақдим этади.
21.0 «Шунчаки ҳазил»
22.45 Киноингоҳ.
«Мушкетёрлар 20

йилдан сўнг»
2-қисм.
23.55-0.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
Биринчи канал 6.30-8.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Мультсеанс»
17.20 «Вести»
17.35 «Топ мюзик»
17.45 «Евроныус» янгилари.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини»
Сериал.
19.00 «Қийиқ кўзгу»
Хажвий кўрсатув.
20.00 «Время»
20.40 «Қийиқ кўзгу»
Хажвий кўрсатув (давоми)
22.30 «Бизнес ревью»
22.35 «Ҳинд оҳангла-ри»
22.50 FCN «Ўзбекис-тон янгилари» (инглиз тилида)
23.00 Кинематограф.
«Ойдаги одам»
Бадий фильм.
00.30 «Ахборот» (рус тилида)

1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 15.00, 17.40, 20.45 «Телехамкор»
9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар»
Сериал.
10.40 «Жанго-вор санъат олами»
11.10 «Сирларимиз ёзи»
Сериал.
12.00 «Капитан Гранти из-лаб»
1-серия.
13.30 «Яго, зулмат эхтиро-си»
Телесериал.
15.00 Телешоу.
16.00 «30-канал»да спорт.
16.50 «Телба дунё»
Хужжатли сериал.
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Сканнер-полициячи 2»
19.30 «Ошиқона»
Мусикий дастур.
19.45 «Қотил кундалиги»
Сериал.
21.05 «Клип-совға»
Телетаб-рикома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.30 «30-канал» кинооқшо-ми: «Тубан кетган»
23.15 «Рестлинг титан-лари»

Chorshanba

2

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Баркамол авлод орзуси»
9.20 «Соз сеҳри»
9.40 «Портретга чизгилар»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Тафсилот»
10.20 «Шайтон малайлари». Бадий фильм.
11.40 Болалар учун.
«Фламинго»
12.05 «Фанимиз истикболлари»
12.25, 16.20 ТВ анонс.
12.30 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи»
13.30 «Оламга саёҳат»
13.50 ТВ клип.

14.10 «Остонаси тиллодан»
14.35 «Яхши-ёмон йигитлар». Телесериал.
15.20 «Талабалик йилларим»
15.40 Мусикий танаф-фус.
15.50 «Ягона оилада»
16.25 «Камилла». Телесериал.
«Болалар сайёраси»
16.55 1. «Кувноқ шаҳарча». Телемусобақа.
2. «Болалар ва катталар»
18.10 «Сихат-саломат-лик»
18.30 «Умид». Телелотерея.
19.00 «Олтин мерос»
19.10 «Мулкдор»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Юзма-юз»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Андижонда

Наврўз»
21.40 «Ўзбекистон» каналда илк маро-таба: «Камилла». Телесериал.
22.10 «Таянч нуқтаси»
22.30 «Маҳалламиз стадиони». Спорт дастури.
22.50 «Ахборот-дайжест»
23.10-23.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Қўшиқ бизларга ҳамроҳ»
9.35 «Анпанман». Мультсериал.
10.00 «Давр»-интер-вью.
10.15 «Чортоқ». Телесериал.
10.25 Таянч.
10.50 «Ит уяси». Телесериал.
11.15 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
11.30 Ёшлар овози.
11.50 Рақслар гулдас-таси.

12.00 «Гвадалупе». Телесериал.
12.40 Замона ёшлари.
13.00 «Ёшлар» телеканалда спорт дасту-ри: 1. Нокаут 2. Теннис.
14.20 Дийдор.
14.40 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
15.05 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
15.25 «Учинчи сайё-ра». Маърифий дастури.
16.15 Автопатруль.
16.35 «Ит уяси». Телесериал.
17.00 ТВ-анонс.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар»
17.30 «Анпанман». Мультсериал.
17.55 ТВ-анонс.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 Чемпион сирла-ри.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Сийрат.
20.00 Спортлото.

20.10 Очил дастурхон.
20.35, 21.20, 22.35 Ёшлар
20.40 «Гвадалупе». Телесериал.
21.25 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.
Танаффус пайтида: 0.00 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «ТТВда сериал»
«Муҳаббат ристаси»
17.55, 19.15, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани»
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Хайрли оқшом»
19.35 «Аёл қалби»
20.25 ТТВда сериал.

«Мафтункор аёл»
21.30 «Умр йўлдоши»
22.45 Киноингоҳ.
«Мушкетёрлар 20 йилдан сўнг»
3-қисм.
24.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
БИРИНЧИ КАНАЛ 6.30-8.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести»
17.20 «Дунё мамла-катлари. Малайзия»
17.35 «Евроныус» янгилари.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини»
Сериал.
19.00 «Олам бўйлаб»
19.45 «Жонли табиат»
20.00 «Время»
20.35 «Узга ҳаёт»
Сериал.
21.45 «Бизнес-ревью»
21.50 «Спорт техноло-гияси»
22.05 «Машхурлар: «Анни Жирардо»
22.30 Кинематограф.
«Бобби Фишер изидан»
Бадий фильм.

0.10 «Ахборот» (рус тилида)
0.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор»
9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар»
Сериал.
10.40, 16.00 «30-да спорт»
11.10 «Сирларимиз ёзи»
Сериал.
12.00 «Капитан Гран-ти излаб»
2-серия.
13.30 «Яго, зулмат эхтироси»
Телесериал.
15.00 Телешоу.
16.00 «30» да спорт.
16.50 «Телба дунё»
Хужжатли сериал.
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Севимли бўлиб»
19.30 «Ошиқона»
Мусикий дастур.
19.45 «Химоя ҳуқуқи»
Сериал.
21.05 «Клип-совға»
Телетаб-рикома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.30 «30-канал» кинооқшо-ми: «Аждархо-кик-боксёр»
23.15 Спорт дастури.

Payshanba

3

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»
9.00 1. «Кувноқ шаҳарча». Телемусобақа.
2. «Болалар ва катталар»
10.00, 12.00, 14.00,

18.00 Янгилар
10.05 «Мулкдор»
10.20 «Шайтон малай-лари жинлар тегир-монида»
Бадий фильм.
11.45 Мусикий танаф-фус.
12.05 «Таянч нуқтаси»
12.25, 15.10, 17.35 ТВ анонс.
12.30 «Билмасвойнинг саргузаштлари»
Мультфильм.
13.05 «Маҳалламиз

стадиони». Спорт дастури.
13.25 «Андижонда Наврўз»
14.10 «Шахс ва жамият»
14.30 «Яхши-ёмон йигитлар». Телесериал.
15.15 «Сихат-саломат-лик»
15.35 «Аския»
15.50 «Баҳор мушои-раси»
16.05 «Камилла». Телесериал.
«Болалар сайёраси»
16.35 1. «Бойалиқнинг мовий осмони»
2. «Қизикарли учрашув-лар»

17.40 «Дип-интервью»
18.10 «Ажаб саодат эрур»
18.30 «Яхши ният»
Телелотерея.
18.55 Бир жуфт қўшиқ.
19.05 «Инсон ва қонун»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекис-тон янгилари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 Телемулоқот:

Йўл азоби.
21.45 «Ўзбекистон» каналда илк маро-таба: «Камилла». Телесериал.
22.15 «Дурбин»
Хажвий журнал.
22.45 Кураш бўйича Ўзбекистон чемпио-нати.
23.15 «Ахборот-дайжест»
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод»

студияси: «Оқ кабутар»
9.35 «Анпанман». Мультсериал.
10.00 Таффакур ёлқинлари.
10.15 Миришкорда Наврўз.
10.40 ТВ-анонс.
10.45 Спорт-қитъаси (рус тилида)
11.15 Чемпион сирла-ри (рус тилида)
11.35 «Ит уяси». Телесериал.
12.00 Минг бир маслаҳат.
12.20 «Гвадалупе». Телесериал.
13.00 Ёшлар овози.
13.20 Интерфутбол.

15.00 Сийрат.
15.20 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
15.45 Жаҳон жўғро-фияси.
16.30 ТВ-анонс.
16.35 «Ит уяси». Телесериал.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Хамма нарсани билишни истайман»
«Кички-на деманг бизни»
17.45 «Анпанман»
Мультсериал.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Табобат оламида.
18.50 Олтин

мерос. 18.55, 21.55 Иклим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 «Давр»-интервью. 19.55 Ўзбек мумтоз шеърятидан. 20.00 «Сирли коинот». Маърифий фильм. 5-қисм. 20.25 Рақслар гулдастаси. 20.35, 21.20, 22.35 Ёлонлар 20.40 «Гвадалупе».	Телесериал. 21.25 Бегийим. 21.45 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида: 0.00 Давр. 1.00-1.05 Хайрли тун! «Тошкент» телеканали 17.10 Курсатувлар тартиби.	17.20 ТТҲда сериал. «Мухаббат ристаси». 17.55, 19.15, 22.05 «Экспресс» телегазетаси. 18.15. «Билим» телеклуби. 18.30, 20.00, 21.10, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50. «Мусликий меҳмонхона». 19.35 «Хамшаҳарлар». 20.25 ТТҲда сериал. «Мафтункор аёл». 21.30 «Янги иқтисод». 22.50 Кинонигоҳ. «Мушкетёрлар 20	йилдан сўнг». 4-қисм. 0.20-0.25 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканали БИРИНЧИ КАНАЛ 6.30-8.00 17.00 Курсатувлар тартиби. 17.05 «Вести». 17.20 «Дунёнинг янги мўъжизалари». 17.50 «Евроњњос» янгиликлари. 18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».	Сериал. 19.00 В. Леонтьев ижросидаги концерт дастури. 20.00 «Время». 20.40 «Ўзга ҳаёт». Сериал. 21.45 «Бизнес ревью». 21.50 «Юқори технологиялар олами». 22.00 «Бугунги Япония». 22.20 «Соккер клуб». 22.40 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 22.50 Бокс. 23.35 «Ахборот» (рус	тилида) 0.15 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40, 16.00 «30»да спорт. 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Капитан Грант» излаб. 3-серия. 13.30 «Яго, зулмат	эхтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30» да спорт. 16.50 «Телба дунё». Хужжатли сериал. 18.00 «30-канал» киноокшоми: «Секта». 19.30 «Ошиқона». Мусликий дастур. 19.45 «Химоя ҳуқуқи». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноокшоми. «Москитлар». 23.15 Спорт дастури.
--	--	--	---	---	--	--

Juma

4

«Ўзбекистон» телеканали 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Кизикarli учрашувлар». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Инсон ва қонун». 10.25 «Ана, Бумбо келди». Бадийий фильм. 11.40 «Ажаб саодат эрур». 12.05 «Ўзбекистон бастакорлари». 12.25 ЎзТВ хазинасидан: Ш. Бошбеков. «Эшик қоққан ким ўзи?» Телеспектакль. 13.55, 15.45, 16.50 ТВ анонс.	14.10 Телемулоқот: Иул азоби. 14.50 Мусликий танаффус. 15.00 «Олам». Телеальманах. 15.30 Қўл жанги бўйича Республика очик биринчилиги. 15.50 «Камилла». Телесериал. 16.20 ТВ клип. 16.30 «Моҳият». «Болалар сайёраси»: 16.55 1. «Санъат гўнчалари». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемулоқот. 18.10 «Тафсилот». 18.30 «Соғлом она – соғлом бола». 18.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Янгилиниш йулида». Премьера. 19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йулида». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида)	20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 Бир жуфт кўшиқ. 20.30 «Ахборот». 21.05 «Муносабат». 21.45 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камилла». Телесериал. 22.15 «Олтин бешик». 22.35 Кураш бўйича Ал-Хаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир. 0.00 «Ахборот-дайжест». 0.20-0.25 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканали 8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Хамма нарсани билишни истаيمان», «Кичкина деманг бизни». 9.55 «Анпанман». Мультсериал. 10.20 «Давр»-интервью. 10.35 «Ит уяси». Телесериал. 11.00 Ўзбекистон	дурдоналари. 11.10 Теннис бўйича «Дэвис кубоги». Ўзбекистон - Таиланд. 15.00 ТВ-анонс. 15.05 Болалар экран: «Гуллар шаҳри». Мультфильм. 15.30 Ёшлар овози. 15.50 «Рей Брэдбери театри». Сериал. 16.15 Бегийим. 16.35 «Ит уяси». Телесериал. 17.00 ТВ-анонс. 17.05 Курсатувлар дастури. 17.10 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», Болалар шеърят. 17.40 «Анпанман». Мультсериал. 18.05 Дунё ажойиботлари. 18.25 Хазина. 18.35 Автосалтанат. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иклим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Ғазал соғинчи. 20.00 «Давр» нигоҳи. 20.20 Аскар мактублари. 20.40, 21.25, 22.35 Ёлонлар	20.45 «Гвадалупе». Телесериал. 21.30 Кишлоқдаги тенгдошим. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал. 23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: «Ринг киролаари». 0.10 Давр. 0.25-0.30 Хайрли тун! «Тошкент» телеканали 17.10 Курсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Мухаббат ристаси». 17.55, 19.05, 23.00 «Экспресс» телегазетаси. 18.15 Болажонлар экран. 18.30, 20.00, 21.10, 23.20 «Пойтахт» ахборот дастури. 18.50 «Навниҳол». 19.25 «Камолот фасли». 19.45 «Эл хизматида». 20.25 ТТҲда сериал. «Мафтункор аёл». 21.30 «Фаровонлик бекати».	23.45 Кинонигоҳ. «Иф калъасининг маҳбуси». 1-қисм. 0.50-0.55 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканали БИРИНЧИ КАНАЛ 6.30-8.00 16.55 Курсатувлар тартиби. 17.00 «Мультсеанс». 17.15 «Вести». 18.15 «Евроњњос» янгиликлари. 17.30 Хужжатли детектив. 18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал. 18.50 «Мўъжизалар майдони». 20.00 «Время». 20.35 «Бизнес ревью». 20.40 «Дурдаршан». 21.05 «Хит-парад». 21.25 «Яшаш воситаси». 21.40 «Юлдуз билан учрашув». 21.55 «Тунги навбатчилик». 22.10 Кинематограф. «Кўли гул аёл». Бадийий фильм. 0.10 «Ахборот» (рус тилида)	0.45 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Харакатдаги сайёра». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Капитан Грант» излаб. 4-серия. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30» да спорт. 16.50 «Телба дунё». Хужжатли сериал. 18.00 «30-канал» да ринг киролаари. 18.50 «Тарона – 2002» мукофотининг топшириш маросими. 19.30 «Ошиқона». Мусликий дастур. 19.45 «Химоя ҳуқуқи». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноокшоми: «Киборг-тан соқчиси». 23.15 Спорт дастури.
--	--	--	--	---	---	--

Shanba

5

«Ўзбекистон» телеканали 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайёраси»: 9.00 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемулоқот. 9.40 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йулида». 10.00 «Бу турфа олам». 10.50 «Санъатга бахшида умр». 11.10 «Олтин бешик». 11.35 ТВ-1 кинотеатри: «Шерлок Холмс». 2-фильм. 1-қисм. 12.40 «Маърифат». Телеальманах. 13.00 «Шерлок Холмс». 2-фильм. 2-қисм. 14.45 «Чорраҳа». 15.05 «Адабий жараён».	15.25 «Ёлғончилар қасри». Мультфильм. 15.40 Мусликий танаффус. 15.50 «Ягона оилада». 16.20 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу. 17.20 «Рангин дунё». 17.40 «Бахтимизга омон бўлинг». 18.00 «Умр мазмуни». 18.20 «Ўзбеккино» тақдим этади: «Фикҳ оламининг султони». Премьера. 18.45 «Интеллектуал ринг». Телеуйин. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Кўшигимиз сизга армуғон». 21.20 «Яшилик». Телешоу. 21.55 Кураш бўйича Ал-Хаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир.	зий хотирасига бағишланган халқаро турнир. 23.25 «Ахборот-дайжест». «Тунги ёғду»: 23.45 «Никоблар». Бадийий фильм. 1.20-1.25 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканали 7.55 Курсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», Болалар шеърят. 9.30 «Анпанман». Мультсериал. 9.55 Табабат оламида. 10.15 «Гвадалупе». Телесериал. 10.55 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1.Марди майдон. 2. Аскар мактублари. 11.35 «Давр» нигоҳи. 11.55 «Ёмғир эслатар куйи» («Ўзбектелефильм») 12.10 Теннис бўйича «Дэвис кубоги». Ўзбекистон - Таиланд.	15.00 ТВ-анонс. 15.05 «Сирли коинот». Маърифий фильм. 4-қисм. 15.30 Дунё ажойиботлари. 15.50 «Чархпалак». Телевизион бадийий фильм. 2-қисм. 16.35 Синфдош. 17.05 «Сирли коинот». Маърифий фильм. 5-қисм. 17.30 Курсатувлар дастури. 17.35 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма», «Савол беринг – жавоб берамиз», мультфильм. 18.25 ТВ-анонс. 18.30 «Давр»-репортаж. 18.40 Каталог. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иклим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 «Сирли коинот». Маърифий фильм. 6-қисм. 20.05 Кутилмаган меҳмон. 20.25, 21.15, 22.35 Ёлонлар 20.30 «Чархпалак». Телевизион бадийий фильм. 3-қисм.	21.20 Оҳанрабо. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 Тунги тароналар. 22.55 «Анянинг кўнғироччаси». Бадийий фильм. 0.20 Футбол плюс. 0.50-0.55 Хайрли тун! «Тошкент» телеканали 17.10 Курсатувлар тартиби. 17.20 «Мультчархпалак». 17.40 «Жаҳон географияси». 18.10, 20.10, 20.50 «Экспресс» телегазетаси. 18.30 «Афиша». 18.50 «Эътиқод». 19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус) 19.25 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 20.00 «ТВ мадад». 20.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 21.10 «Мисли гавҳар». 21.25 «Нима учун?». 21.55 Кинонигоҳ. «Иф калъасининг маҳбуси». 2-3-сериялар. 0.30-0.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»	«Халқаро» телеканали 9.05 Курсатувлар тартиби. 9.10 «Лаззат». 9.30 Е. Петросяниннинг Кулгу панорамаси. 10.05 «Табиатунос билан сабаҳат». 10.35 «Биз анойи эмасмиз». Хажвий курсатув. 11.00 «Покахонтас». Мультфильм. 11.25 Болалар соати: «Еттинчи жин». Бадийий фильм. 12.35-13.35 «Дўстлик» видеоканали: «Сахий хонадонда», «Чинсэн», «Бизнен мирас». 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Билишни истаيمان». 16.20 «Нотер дам де пари». Мюзикл. 17.00 «Янгиликлар». 17.20 «Клара Новикова шоуси». 17.55 «Ким миллионер бўлишни истаиди?». 18.55 «Сўнги қаҳрамон-3». 20.00 «Время». 20.30 «Нима? Қаерда? Қачон?». 21.50 Кинематограф.	«Ломбарддаги холам». Бадийий фильм. 23.20 Ахборот (рус тилида) 23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.45, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Тарона – 2002» мукофотининг топширилиш маросими. 12.00 Оилавий кино. «Меломета табассуми». 1-серия. 13.40 «Дискавери соати». 14.30 Ҳинд киноси: «Салма ва Салим». 17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» киноокшоми: «Кимор уйинлари». 19.45 «Ошиқона». Мусликий дастур. 20.00 «Вовочка». Сериал. 20.30 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.05 «Хаммасини эслаш». Сериал. 22.00 «30-канал» да киноокшом. «Мени севган жосус». 24.00 Мусликий дастур.
--	---	--	--	--	---	---

Yakshanba

6

«Ўзбекистон» телеканали 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.10 «Ғаройибот». 9.30 «Сузишни истаيمان». Мульттўплам. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Она меҳри». 11.20 «Рақибингиз гроттмейстер». 11.30 «Бу турфа олам». 12.20 «Маҳалламиз болалари». Телемулоқот. 13.00 «Ўзбекистон каналида илк маротаба: «Темир никобли киши». Бадийий фильм. 14.25 «Яшилик». Телешоу. 15.00 «Кувноқ	стартлар». Телемусобақа. 15.30 «Букрининг сири». Мультфильм. 16.20 ТВ клип. 16.30 «Интеллектуал ринг». Телеуйин. 17.10 «Талабалик йиллари». «Болалар сайёраси»: 17.30 1. «Санъат гўнчалари». 2. «Олтин тож». Телевизион уйин. 18.25 «Қалб гавҳари». 18.45 «Оқ олтин». Телелотерея. 19.15 Бир жуфт кўшиқ. 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёлонлар 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 Эстрада тароналари. 20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Қизлар давраси». 22.45 Кураш бўйича Ал-Хаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир.	«Якшанба кинозали»: 23.45 «Насриддин Бухорода». Бадийий фильм. 1.05-1.10 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканали 7.55 Курсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма», «Савол беринг – жавоб берамиз», мультфильм. 9.50 «Давр»-репортаж. 10.00 Оҳанрабо. 10.40 Очил дастурхон. 11.05 ТВ-анонс. 11.10 Теннис бўйича «Дэвис кубоги». Ўзбекистон - Таиланд. 16.00 «Чархпалак». Телевизион бадийий фильм. 3-қисм. 16.45 «Заковат» интеллектуал уйини. 17.30 «Сирли коинот». Маърифий фильм.	6-қисм. 17.55 Курсатувлар дастури. 18.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси», «Хар соҳага саёҳат», мультфильм. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иклим. 19.00 «Давр»-news. 19.20 ТВ-анонс. 19.25 Лабиринт. 19.50 Баҳор соғинчи. 20.50, 21.40, 22.30 Ёлонлар 20.55 «Чархпалак». Телевизион бадийий фильм. 4-қисм. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр» ҳафта ичида. 22.35 ТВ-анонс. 22.40 Тунги тароналар. 22.50 «Дарё бўйидаги учрашув». Бадийий фильм. 0.30-0.35 Хайрли тун! «Тошкент» телеканали 17.10 Курсатувлар тартиби. 17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами». 19.00, 20.10, 21.45	«Экспресс» телегазетаси. 19.20 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 20.00 «ТВ мадад». 20.30 «Жаҳон географияси». 21.0 «Пойтахт шарҳи». 21.25 «Қадрини топган қария». Хужжатли фильм («Ўзбектелефильм») 22.05 «Ханда дўкони». 22.30 Кинонигоҳ. «Коломбо». 23.40-23.45 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканали 9.10 Курсатувлар тартиби. 9.15 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган кадлари». 9.35 «Хамма уйдалигида». 10.15 «Покахонтас». Мультфильм. 10.40 «Кувноқ инглиз тили». 10.50 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури. 12.20 «Спорт технологияси». 12.35 «Лаззат сеҳри».	12.55 «Инглиз тили Сиз учун». 13.20 «Парле ву франсе». 13.45 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 13.55-15.15 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар», «Айчурек», «Корейс тилини ўрганамиз». 16.30 Курсатувлар тартиби. 16.35 «Бинафша». 17.00 «Ассалом, Франция!». 17.15 «Мюзик-холл». 17.40 «Дунёга назар». 17.55 «Кинопрофи». 18.15 «Кулишайлик ханоблар». М. Галкин Кулгу кечаси. 19.40 «Тенгдошлар». 20.10 Кинематограф. «Тати Даниэль». Бадийий фильм. 21.40 «Топ мюзик». 21.50 Бокс. Энг кучли профессионаллар жанги. Леннокс Льюис-Майк Тайсон. 22.35 «Тахлилнома» (рус тилида) 23.15 Кинематограф. «Танишинг: Джо	Блэк». Бадийий фильм. 2.05 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.45, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Оилавий кино. «Меломета табассуми». 2-серия. 13.40 «Дискавери соати». 14.30 Кундузги кинозал. «Жерри ва Том». 16.10 Дам олиш дастури. 16.40 Мусликий дастур. 17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» киноокшоми: «Ўзга сайёралик». 19.45 «Ошиқона». Мусликий дастур. 20.00 «Агентлик». Хажвий сериал. 20.30 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.05 «Ўрта Ер денгизи». Сериал. 22.00 «30-канал» да якшанба киноокшоми. «Иблисини мол-муки». 23.40 Спорт шарҳи.
--	--	---	---	---	--	---

Қонун ва ижро

Асосий қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир фуқаронинг ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат идораларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ёки шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ўз ифодасини топган. Айни пайтда аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги ҳам алоҳида таъкидланган.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ВА ҚОНУНИЙЛИК

Маълумки, 1994 йилда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда мана шу жараённинг қонунчилик асослари аниқ белгилаб қўйилди. Бу қонун мурожаатларни кўриб чиқишни такомиллаштиришда дастлабки босқич бўлди. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги, ҳусусан, ҳуқуқий ислохотлар билан боғлиқ ўзгаришлар бу қонунимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди. Шу боисдан ҳам 2002 йилнинг 13 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди.

Мазкур қонун 5 боб, 28 моддадан иборат бўлиб, илгариги қонунга нисбатан мукамалдир.

Биринчидан, ушбу қонун фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди. Фуқароларнинг мурожаатлари ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиб, улардан шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етмаслиги керак.

Мурожаатлар оғзаки ва ёзма шаклда бўлиши ҳам мумкин. Ҳар икки кўриниш ҳам бир аҳамиятга эга. Қонунда давлат идораларида фуқароларни қабул қилишнинг ташкил этилиши ҳам назарда тутилган. Қабул белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай вақтларда ўтказилади.

Қонунга киритилган қўшимчалардан яна бири шундан иборатки, фуқаро оғзаки мурожаат этаётганда, ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиши керак. Яна бир янгилик. Фуқарони қабул қилиш агар унинг бир неча бор қилган мурожаати асоссиз, қонунга ҳилоф ҳусусиятда бўлса, ёки унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилинган бўлса, рад этилиши мумкин. Фуқаро унинг мурожаати рад этилганли-

ги устидан бўйсинув тартибида юқори турувчи идорага ёки бевосита судга шикоят қилишга ҳақлидир.

Айни пайтда ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя этиши ёки унга қарши қаратилган ҳатти-ҳаракатларда иштирок этиши мумкин эмас. Шунингдек, мурожаат қилувчиларнинг жинси, irqи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб камситиш тақиқланади.

Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида натижа маълум қилиниши лозим. Ариза-шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат идорасига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида ва текширишни талаб этмайдиган ариза ҳамда шикоятлар эса, 15 кундан кечиктирмай кўрилиши шарт.

Мурожаат давлат идоралари томонидан кўриб чиқилаётганда, фуқаро мурожаатнинг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборот олиш, вазларини шахсан баён этиш ва изоҳлаб бериш, мурожаатни текшириш материаллари ҳамда кўриб чиқиш натижалари билан танишиш, қўшимча материаллар тақдим этиш ёки уларни бошқа идоралардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш, адвокат ёки ўз вакили хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Шу билан бирга фуқаролар қонун ҳужжатларини бузмаслик кафолатларини ҳам олишлари шарт. Фуқаронинг туҳмат ва ҳақоратдан иборат мурожаатлари қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Шунингдек, сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларни текшириш муносабати билан давлат идораси томонидан сарф қилинган харажатлар фуқародан суднинг қарорига биноан ўндириб олиниши тартиби ҳам белгиланган.

Мана шу қонун асосида вилоят прокуратураси идоралари томонидан фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни янада яхшилашга қаратилган муайян чоралар кўрилмоқда.

Чунончи, ўтган йили вилоят прокуратураси идоралари жами 4356 та ариза-шикоят олди. Бу кўрсаткич бир йилда 758 тага камайди. Шунингдек, 143 та такрорий аризалар кўриб чиқилиб, уларнинг барчасини қаноатлантириш билан рад этилди.

Аризаларнинг 2323 таси бевосита прокуратура идораларида ҳал этилиб, шулардан 10,5 фоизи қаноатлантирилди. Масалан, Окқўрғон тумани «Озод» ширкат хўжалигидаги «Шавкатбек» фермер хўжалиги раҳбари Н. Жалолова 2002 йилнинг январь ойида ариза билан мурожаат қилиб, хўжалиkning мансабдор шахслари фермер хўжалигини кенгайтириш мақсадида ер ажратиш учун тўсқинлик қилаётганлиги юзасидан қонуний чора кўришни сўраган эди. Текширув аризада кўрсатилган вазларни тасдиқлади. Прокуратуранинг араслувудан сўнг «Шавкатбек» фермер хўжалигига 40 гектар қўшимча ер майдони ажратилиши таъминланди.

Янгийўл тумани «Эски Қовуңчи» ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро И. Мирзаев 2002 йилнинг январь ойида ариза билан мурожаат этиб, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун «Пахтабанк»нинг Гулбахор бўлими бошқарувчиси томонидан кредит маблағи ажратишда қонунбузарликка йўл қўйлаётганлигини баён қилган эди. Аризада кўрсатилган вазлар тасдиқланди. Унга тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун 680 минг сўмлик микрокредит ажратилиши таъминланди. Айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаётган бундай мурожаатларни кўплаб келтириш мумкин. Бугунги кунда ҳар бир туман ва шаҳар ҳамда вилоят прокуратураларида қабул ишлари раҳбарлар томонидан тасдиқланган ҳадвал асосида амалга оширилаётир. Бундан ташқари фуқароларни меҳнат ва яшаш жойларида қабул қилиш ҳадваллари ҳам ишлаб чиқилиб, аҳоли эътиборига етказилди. Ўтган йил давомида шахсий қабулда бўлган жами 4183 нафар фуқаронинг 2711 нафари прокурорлар томонидан қабул қилинди. Шунингдек, 1327 нафар фуқаро меҳнат ва яшаш жойларида қабулда бўлди.

Янги қонун фуқароларимизнинг давлат идораларига мурожаат этиб, ўз қонуний манфаатларини ҳамда истакларини ҳимоя қила олишлари учун мамлакатимизда пухта, изчил ва самарали қонуний замин яратилишига олиб келди.

Ҳамза МАҲМУДОВ,
Тошкент вилояти
прокурорининг
ўринбосари, адлия катта
маслаҳатчиси.

Анжуман

АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Шартнома мажбурияти турли мулкчилик шакллари шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат турларини бир маромда кенгайтириш, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг муҳим шартига айланди.

Президент Ислон Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги «2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда шартнома мажбуриятларига оғишмай риоя қилиниши тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъати мажлисида шартнома муносабатларини янада такомиллаштиришга хизмат қилувчи чора-тадбирлар кўзда тутилган қарор қабул қилинди. Тошкент вилояти адлия бошқармаси шулардан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятини бажармаслик юзасидан келиб чиқаётган муаммолар, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш ва уларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш, қабул қилинган суд қарорларининг ижросини таъминлаш масалаларига бағишлаб семинар-йиғилишлар ўтказишни режалаштирди.

Семинар-йиғилишларнинг дастлабкиси шу йил **29 март** куни Бўка туманида ўтади. Унда Бекобод шаҳри, Бекобод, Бўка, Қуйичирчиқ ва Окқўрғон туманларининг тадбиркорлари ва деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этадилар. Ангрен, Оҳангарон, Олмалик шаҳарлари ва Оҳангарон туманининг тадбиркорлари ва деҳқон-фермер хўжаликларининг раҳбарлари **31 март** куни Оҳангарон шаҳрида ўтадиган семинар-йиғилишга таклиф қилинадилар. **1 апрель** куни эса Бўстонлик, Қибрай туманлари ва Чирчиқ шаҳри тадбиркорлари ва деҳқон-фермер хўжаликларининг раҳбарлари учун семинар-йиғилиш ташкил этилади. У Чирчиқ шаҳрида ўтади. Паркент, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ ва Пскент туманларининг тадбиркорлари ва деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбарлари **2 апрель** куни Ўртачирчиқ туманида ўтадиган семинар-йиғилишда қатнашадилар. **3 апрель** куни Янгийўл шаҳрида Чиноз, Янгийўл, Тангиота, Тошкент туманлари ва Янгийўл шаҳри тадбиркорлари ва деҳқон-фермер хўжаликларининг раҳбарлари учун семинар-кенгаш ўтказилади. Бу анжуманлар ҳамма ерда белгиланган кунлари соат 10да бошланади.



РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИДА

12 март куни бўлиб ўтган кимошди савдосида Бўстонлик туманида жойлашган 1 та давлат кўчмас мулк объекти 40300000 сўмга ва Қибрай, Паркент туманлари ҳудудига жойлашган жами 6 та ер майдонлари 2035000 сўмга сотилди.

3, 5, 7 март кунлари бўлиб ўтган биржа савдоларида Паркент, Қибрай, Зангиота, Юқоричирчиқ, Пскент туманлари, Оҳангарон, Чирчиқ, Олмалик шаҳарлари ҳудудига жойлашган 14 та жами 56926000 сўмлик нодавлат кўчмас мулк объектлари, Қибрай туманида жойлашган 2 та 550000 сўмлик нодавлат

қурилиши тугалланмаган уй-жой бинолари сотилди.

12, 14 март кунлари бўлиб ўтган биржа савдоларида Оҳангарон туманида жойлашган 1 та нодавлат нотураш-жой биноси 300000 сўмга ва Қибрай туманида жойлашган 10 та 2550000 сўмлик нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой бинолари сотилди.

17, 19 март кунлари бўлиб ўтган биржа савдоларида Чирчиқ шаҳрида жойлашган 1 та нодавлат новвойхона биноси 300000 сўмга ва Қибрай туманида жойлашган 4 та 1410000 сўмлик нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой бинолари сотилди.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни 2003 йил 30 апрель ва 7, 14, 21, 28 май кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Бекобод шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган Бекобод шаҳар, «Йўлдош» мавзесида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м бўлган жами саккизта ер майдони. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 25520 сўм.

Ариза қабул қилиш кимошди савдосидан уч кун олдин тўхтатилади.

II. Тошкент вилояти Янгийўл туманида жойлашган, «Ўзагрошсервис» уюшмаси таркибидаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази»га қарашли қуйидаги қишлоқ хўжалик техникалари кимошди савдоларига қўйилади:

1. МТЗ-80Х русумли, давлат рақами 52-56 ЕР, 1989 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 1164400 сўм.

2. МТЗ-80Х русумли, давлат рақами 52-54 ЕР, 1989 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 1164400 сўм.

3. МТЗ-80Х русумли, давлат рақами 52-52 ЕР, 1990 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 1164400 сўм.

4. МТЗ-80Х русумли, давлат рақамисиз, 1990 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 1164400 сўм.

5. МТЗ-80Л русумли, давлат рақами 55-53 ЕР, 1991 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 1164400 сўм.

6. 2-ПТС 4-793 русумли прицеп, давлат рақами 37-71 ЕР, 1988 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 223600 сўм.

7. 2 ПТС 4-793 русумли прицеп, давлат рақами 37-75 ЕР, 1990 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 223600 сўм.

8. 2 ПТС 4-793 русумли прицеп, давлат рақами 35-91 ЕР, 1989 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 223600 сўм.

III. Ангрен шаҳар ҳокимиятига қарашли, Ангрен шаҳар, Ўзбекистон мустақиллиги кўчаси, 80-уйда жойлашган, умумий сатҳи 170,32 кв.м. бўлган нотураш-жой объекти.

Бошланғич баҳоси — 1625700 сўм.

IV. Чирчиқ шаҳар ҳокимиятига қарашли, Чирчиқ шаҳар, А. Навоий кўчаси, 156-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 192,75 кв.м бўлган озик-овқат дўкони.

Бошланғич баҳоси — 2753800 сўм.

Бундан ташқари, олдинги кимошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам савдоларга қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридидаги маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақи алоҳида «Xususiyashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» хисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.



ЯНГИ ДАСТУР АСОСИДА

Осиё тараққиёт банки раҳбарияти тарқатган маълумотга кўра мазкур маҳкама Ўзбекистон энергетикасини ривожлантириш дастурини молиялаштириш ва амалга ошириш мақсадида 600 минг доллар қийматида маблағ ажратди. Ушбу дастур 2010 йилгача режалаштирилган бўлиб, у турли энергетика тармоқларини, нефть ва газ қазиб чиқариш, уй-жой ва бошқа қурилмаларни иситишга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади. Умуман, Ўзбекистон ҳукумати мазкур дастурни тўлиқ амалга ошириш учун 2 миллиард доллардан ортиқ маблағни инвестиция қилишни режалаштирган. «РИАН» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, юқоридаги дастур жорий йилнинг октябрий ойида тўлиқ амалга оширилиб, асосий йўналишлар аниқланади.

РЕФЕРЕНДУМ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Ўтган якшанба кuni Чеченистонда умумхалқ овоз бериш тадбири — референдум бўлиб ўтди. Унда овоз берувчилар, республика Конституцияси, республика президентини сайлаш, парламентни сайлов йўли билан ўтказиш масалалари овозга кўйилди. Референдум натижалари қониқарли бўлди. Чеченистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш учун 96,04 фоиз, президент сайлови учун 95,07 фоиз, парламент сайловлари тўғрисидаги қонун учун 95,95 фоиз аҳоли овоз берди.

Тадбирда Чеченистоннинг 80 фоиз аҳолиси иштирок этди. «Интерфакс» ахборот агентлиги таъкидлашига қараганда, референдум муваффақиятли ўтган.

ЧЕГАРАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Грузиянинг Панкис дарасида жиноятчи гуруҳларни тугатиш бўйича операциянинг иккинчи босқичи бошланди. Бу ҳақда «Новости» ахборот маҳкамасининг муҳбири батафсил гапириб берди. Бундан кейинги барча саъй-ҳаракатлар ҳар иккала мамлакат чегараларини мустаҳкамлашга қаратилди. Ушбу жараён учун АҚШ томонидан 14 миллион доллар миқдорида маблағ ажратилган.

КАРАКАСДА ТЎҚНАШУВ

Венесуэла пойтахти Каракасда ижтимоий ҳаёт ҳамон ижобий изга тушмаётир. Хусусан, ҳафта бошида мамлакат президенти Уго Чавес тарафдорлари билан унинг мухолифлари ўртасида яна тўқнашув бўлиб ўтди. Ҳукумат сиёсатини қўллаб-қувватлаётган одамлар гуруҳи У. Чавеснинг истеъфога кетишини талаб қилиб йиғилган намоёнчиларни тошбўрон қилди. Натижада, иштирокчилардан кўпчилиги жароҳат олди, айримлари шифохоналарга ётқизилди, дейилади «Ассошиэйтед-пресс» ахборот агентлиги хабарига.

ҚУЁШДА ПОРТЛАШ

Россия Фанлар Академиясининг Ер магнитизми, ионосфера ва радио тўқинлари тарқалиши бўйича илмий текшириш институти олимларининг эътироф этишича, ўтган сешанбада қуёшда жуда кучли иккинчи бор портлаш рўй берди. Бундай портлашлар халқаро мақомда «Х» класс билан тавсифланади. Иккинчи портлаш оқибатида катта қувватли радионурланиш содир бўлган. Бундай ҳодиса Ер юзиде электромагнит тўқинлари пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Мутахассислар қуёшдаги портлашлар инсонлар саломатлигига таъсир этиши мумкин, деб ҳисобламақдалар. Бу ҳақда «Новости» ахборот агентлиги хабар берди.



Гавай ороллари.

Шарҳловчи минбари

НИШОНДА ХАЛҚ ЭМАС

Форс кўрфазидан олинаётган хабарларга қараганда, Ироқдаги йирик шаҳарлардан бири — Басра аҳолиси Саддам Хусайн тузумига қарши исён кўтарган. Қарийб бир ярим миллионлик нуфусга эга бўлган шаҳарда бир неча кундан буён сув ва электр энергияси йўқ.

Вазият мана шу йўсинда ривожланишининг эҳтимоли жуда катта эди. Негаки, Форс кўрфазидеги можаро бошланмасидан анча аввал АҚШ маъмурияти вакиллари Ироқ ҳукуматини куч ишлатиб қуролсизлантиришга тўғри келса, бу ишда Ироқ аҳолиси ҳам фаол иштирок этиши мумкинлигини таъкидлаган эди. Бу воқеа америкаликларнинг башоратлари амалга ошаётганидан далолат бермоқда.

Дастлаб Форс кўрфазиде уруш ҳаракатлари бошланса, дунё икки қисмга ажралиб кетади, деган фикрлар ҳам бор эди. Шу сабабли Ироққа қарши уруш бошлаш ёки бошламаслик борасида баҳслар бўлди. Томонлар ўз ихтиёридаги барча далилларини келтирди. Бироқ, Ироқнинг БМТ талабини ўжарлик билан рад қилгани сабабли муаммони тинч йўл билан ҳал этиш имкониятлари қолмади. Натижада Саддам Хусайн тузумига куч ишлатиш йўли билан барҳам беришдан бошқа чора қолмади. Зеро, бу тузум на-

фақат Яқин Шарқ минтақаси, балки бутун жаҳон хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солаётгани маълум эди.

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз Яқин Шарқ минтақасида барқарорлик қарор топиши тарафдори эканлигини алоҳида таъкидлади. Саддам Хусайн ҳокимият тепасига келганидан буён Ироқ минтақадаги нотинчлик ўчоғи бўлиб келгани аён. Ўтган асрнинг 80-йилларида Эрон билан кечган уруш, кейинчалик мамлакат шимолида истиқомат қилувчи курд миллатига мансуб аҳолини оммавий қириш, 90-йилларда эса Кувайтга ҳужум — булар Саддам Хусайн раҳбарлигида амалга оширилган хунрезликларнинг айримларидир. Ўз халқини аямайдиган раҳбар вақти келиб бутун дунёга таҳдид солмайди, деб ўйлаш нотўғри, албатта.

Айрим хорижий давлатлардаги оммавий ахборот воситаларининг, уруш Ироқ халқига, қолаверса, бутун ислом дунёсига қарши қаратилган ҳаракатдир, қабилидаги бир ёқлама ташвиқотида ишониб юрган одамлар ҳам йўқ эмас. Можарони миллий ёки диний томонга буриш масаланинг туб моҳиятига ета билмаслик оқибатидир. Агар, уруш Ироқ халқига ёки ислом динига қарши қаратилганида, уни кўпчилик араб давлатлари қўллаб-қувватлармиди! Ироқ халқининг ўзи Саддам Хусайнга қарши бош кўтарармиди! Демак, бу уруш Саддам Хусайн тузумига, яъни диктаторликка қаратилгандир. Бунинг моҳиятини теран англаб етмоқ керак.

Бобур СОБИРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

«ИКРА ЕМАЙ, МЕН ЎЛАЙ»



Людвиг Пендер — Бугровский ўз аёлини тежамкор бўлганлиги учун ўта қадрлайди. Анелька хоним яқинда бир банка кета балигининг икрасини уйга олиб келди. Бу тансиқ таом арзон-гаровга тушди, деди уй бекаси. Икра ейилганидан сўнг, бир неча кундан кейин Людвигнинг ошқозони ва ичаклари оғрий бошлади. Лаборатория таҳлилларидан маълум бўлишича, Анелька олиб келган «икра» қурбақаники экан. Фақат у бўялганлиги туфайли сезилмаган. Шундай қилиб, бир неча кундан сўнг Людвигнинг қорнида қурбақанинг увулдириклари пайдо бўлган. Эҳтиёт бўлинг, деб ёзда «Жиче Варшава» газетаси. Людвиг эса, «Икра емай, мен ўлай» деб шифохонада ётибди.

ИНСОНИЯТ ТАРИХИДА БИРИНЧИ

Буюк Британиянинг Хитроу аэропорти маъмурияти гаройиб янгилик яратилганлиги тўғрисида хабар берди. Гап шундаки, йўловчиларнинг руҳий кучини аниқлайдиган ускуна ишга туширилди. «Кўриқчи-2» деб аталган ушбу асбоб, самолётга минаётган кишиларни «элак-элак» қилиб ўтказди. У кимёвий бирикмалар исини дарҳол пайқайди. Гиёҳванд моддалар ва портлагичлар «кўриқчи» назарига, албатта, тушади. Демак, йўловчилар сафари деярли беҳатар ўтади.

ШАХТАДА ФАЛОКАТ

ХХРнинг шимолидаги Шаньси вилоятида шахта портлаши рўй берди. Бундай фалокатга шахта худудларидан бирида портловчи газнинг тўпланиб қолганлиги сабаб бўлган. Натижада 28 киши ҳалок бўлди. Ҳозиргача 45 киши харобалар остида «қамалиб» ётибди. Бу ҳақда «Ассошиэйтед-пресс» хабар қилди.



БЕВА ҲИБСГА ОЛИНДИ

Газетамизнинг ўтган ҳафтадаги сониде Сербиянинг собиқ бош вазири Зоран Жинжичга суиқасд уюштиришда гумон қилинган қатор одамларнинг қамоққа олинганлиги ҳақида хабар берган эдик. Шундан сўнг, шу орада жиноятчи гуруҳлар «сардори» бўлмиш Желько Ражнатович Арканнинг беваси Светлана Цецу Ражнатовичнинг Белград полицияси томонидан ҳибсга олинганлиги хабар қилинди. Терговчиларнинг айтишича, ҳозирги серб эстрадаси юлдузи ҳисобланмиш машҳур ушбу хонимга аниқ айблар қўйилди. У земунлик босқинчиларнинг бошиқлари (Легион лакабли) М. Лукович, (Шиптар лакабли) Д. Спасевич, (Тўнғиз лакабли) ҳозир қамоқда ётган Д. Миленковичлар билан яқин муносабатда бўлган. Тинтув пайтида унинг Белграднинг Дедеңе худудидаги уйидан катта миқдорда аслаҳалар — тўппончалар, автоматлар, граната улоқтиргичлар ва бошқа қуроллар топишган.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Ибратнома

Бир савдогарнинг икки мирзаси бор экан. Савдо-тижорат ишларидаги барча юмушларини ҳар иккаласи ҳам бирдек бажаришар, соҳибига сидқидилдан хизмат қилишаркан. Лекин, маош масаласида анчагина фарқ бўлиб, бири кўп, бири эса озроқ ҳақ олар экан. Бу ахвол анчагача давом этибди. Маоши оз мирза ҳожасининг оғзини пойлаб юрибди. Бироқ, савдогар бу ҳақда ҳеч гап очмас, ҳар кун одатдаги ўз ишлари билан машғул бўлар эди.

Сабр косаси тўлган мирза бир кун пайт топиб, дардини ҳожасига ўқиб солибди:

— Мана, қанчадан бери индамай, ҳамма ишларингизни қилиб келяпман. Ишқмаслик қилиб, бирор вазифадан бўйин товлаган ерим йўқ. Анави мирза билан бажарадиган ишимизда шунча кузатиб, бирор фарқни англай олмадим. Лекин, маошимиз нега турлича эканлигига асло ақлим етмаётир, — дебди. Ҳожа мирзасининг сўзини эшитиб, мийиғида кулибди-да, унинг даъвоси тўғри эканлигини тан олибди ва бу ҳақда кейинроқ гаплашишини айтиб, ҳозир зарур бир юмушни адо этиб келишни буюрибди.

— Бош устига! — дебди мирза тавозе билан ўрнидан тураркан.

— Бўлмаса эшитинг, — дебди ҳожа. — Карвонсаройга Ҳиндистондан савдогарлар тушишибди. Бориб улардан сўрангчи, моллари орасида бахмал матоси бормикан?

Мирза кўксига кафтини қўйиб: «Хўп бўлади», дебди ва ҳожаси ҳузуридан чиқибди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, у карвонсаройга бориб келибди.

— Тақсир, мадраслик савдогарларда бахмал мато бор экан! — дебди.

— Ранги қанақа экан, билдингми? — сўрабди ҳожа. Рад жавобини олгач, рангини билиб ке-

лишни буюрибди. Мирза яна карвонсаройга қараб кетибди ва фурсат ўтиб, ҳожаси ҳузурига қайтиб келибди.

— Билдим, тақсир! Пистамағиз экан бахмалнинг ранги!

— Яхши, — дебди ҳожа. — Бахмалнинг газини неча сўмдан сотишаркан...

Тили лол мирза бахмал нархини билиб келиш учун яна карвонсаройга зингиллабди ва у ердан бахмал нархини ҳам аниқлаб келибди. Лекин, ҳожаси тушмагур мирзага яна: «Ҳаммаси бўлиб қанча бахмал бор экан, билмадингизми?» — деган саволни бериб, уни мулзам қилибди. Мирза бахмалнинг қанча эканлигини билиб келиш учун яна карвонсаройга жўнаётган экан ҳожаси

уни тўхтатибди.

— Тўхтанг, — дебди ва иккинчи мирзани чақиртириб, биринчи мирзага буюрган дастлабки топшириқни айтибди. Иккинчи мирза ҳам карвонсаройга қараб кетибди ва бир оз фурсат ўтгач, ҳожаси ва биринчи мирза ўтирган ерга кириб келибди-да:

— Тўғри, тақсир! Карвонсаройга Мадрасдан савдогарлар келишибди. Бисотларида бахмал мато ҳам кўп эмиш, — дебди.

— Ранги қандай экан бахмалнинг? — деб сўрабди ҳожа.

— Ранги пистамағиз, сифати ҳам жуда соз!

— Ҳар газини қанчадан дейишмоқда?

Иккинчи мирза бахмал нархини ҳам айтиб берибди. У ҳожасининг «Ҳаммаси бўлиб қанча бахмаллари бор экан?» деган саволига ҳам аниқ жавоб қилибди. Шунда ҳожа иккинчи мирзага хизмати учун миннатдорчилик айтиб, жавоб берибди ва биринчи мирзага юзланибди.

— Мирзам, энди тушундингизми, маошдаги фарқнинг сабабини? Маош тайинлашда ходимнинг фаросати ҳам эътиборда тутилув. Киши фаросатининг маоши бебаҳодир! — дебди.

К.ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

ФАРОСАТ УЧУН МАОШ

Sport

АЛИШЕРНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

Аввал хабар берганимиздек, боксчиларимиз Бакуда бўлиб ўтган, ҳаваскор бокс Федерацияси президенти Чаудри кубоги мусобакасида иштирок этдилар.

1985 йилда туғилган ва ундан катта ёшдаги 7 нафар вакилимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Вилоятимиз вакили Алишер Раҳимов 57 килограмм вазн тоифасида иккинчи ўринни эгаллади.

Айни дамларда Самарқанд вилоятида 1987-1988 йилларда таваллуд топган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтмоқда. 23 март куни бошланган ушбу биринчиликда 200 дан зиёд боксчилар беллашмоқда. Мусобакалар бугун ниҳоясига етади.

Хуришда НАЗАРОВА.

НИЗОМ ЎЗГАРТИРИЛДИ

Ўтган йилги футбол мавсумида муваффақиятли катнашган «Ўзбекистон» (Пскент) ва «Тошкент» («Тошкент» жамоа ҳўжалиги) жамоалари биринчи табақа мусобакаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган эдилар.

Вилоятимизда биринчи табақада «Кимёгар» (Чирчиқ), «Ангрен», «Солиқчи» (Келес) жамоалари билан бирга беш жамоа мусобакаларда иштирок этиш кутилмоқда эди. Лекин, Ўзбекистон Футбол федерациясига аъзолик бадал микдори ошганлиги муносабати билан «Ўзбекистон», «Солиқчи» жамоалари «Академия» (Тошкент), «Турон-2000» (Нукус), «Кува», «Ситора» жамоалари биринчиликда иштирок этишдан воз кечдилар. Шу сабабли биринчи табақада 20 жамоа ўрнига 15 жамоа мусобақалашадиган бўлди. Олдинги низоми бўйича жамоалар икки гуруҳга ўнтадан бўлинган ҳолда биринчиликни ўтказиш лозим эди. Куни кеча Ўзбекистон Футбол федерацияси йи-

гилишида биринчи табақада иштирок этадиган барча 15 жамоа номлари рўйхатдан ўтказилиб, мусобакалар 7 апрелда бошланадиган бўлди. Ташланган куръа натижаларига биноан дастлабки турда «Сўғдиёна» — «Кимёгар», «Шўртон» — «НВУ-Осиё», «Пахтакор-2» — «Ҳазорасп», «Ангрен» — «Хоразм-2003», «Зарафшон» — «Локомотив», «Чигатой» — «Шахрихон», «Шўрчи» — «Косонсой» жамоалари ўзаро баҳс юритадилар. «Тошкент» жамоаси дам олади.

Биринчи табақада вилоятимиз шарафини «Кимёгар», «Ангрен» ва «Тошкент» жамоалари ҳимоя қиладилар.

Талъат ЮСУПОВ.

Кулганга
Нима
Этсин!

— Фотиманинг телефон рақамини биласанми?
— Йўқ, билмайман.
— Тахминан бўлса ҳам айтолмайсанми?

Икки дўст учрашиб қолди, бири иккинчисидан сўради:

— Нега ҳаммаёғинг кўкариб ётибди, кўлларингни ҳам боғлаб олибсан?

— Кеча спортзалга борувдим, бир барзанги кўтараётган штангасини тушириб юборди.

— Сенинг устинггами?

— Йўқ, ўзининг оёғига. Мен бўлсам, билмай кулиб юборибман...

— Кўшни, мабодо, молларингиз чекмайдими?

— Йўғ-е.

— Унда молхонангиз ёнаяпти.

Тижорат банки директорининг ҳузурига ховлиққанича ходимаси кириб:

— Нодир Алиевич, кассиримиз йўқолиб қолди, — деди.

— Ё, алҳазар! Сейфни қараб кўрмадингизми?

— Э, уёққа сизмайди-ку.

Парижда бўлиб ўтган кўргазмада «уч юлдузли» армян коньяги биринчи ўринни эгаллабди. «Беш юлдузли»си эса мутлақо ўрин ололмабди.

— Нега бундай бўлди? — деб сўрашибди арманистонлик шаробсоздан.

— Ўзимиз ҳам ҳайронмиз, бўлмаса, ҳаммаси битта бочкадан қуйилганди.



КИМ НАПОЛЕОН?

— Айтинг-чи, эрингиз ҳозир руҳий беморлар шифохонасида эканлиги тўғрими?

— Тўғри, лекин, у бемор бўлгани учун эмас, балки «текширувчи» сифатида ётипти. Маълум бўлишича, у ерда бештаси ўзини «Наполеон»ман деб эълон қилган экан. Эрим улар сафига қўшилди...

Сиз қандай изоҳлайсиз?

Хурматли газетхонлар! Газетамизни мунтазам мутоала қилиб бораётган бўлсангиз, республикамиз ижтимоий ҳаётига оид турли мавзулардаги ранг-баранг мақолалар билан бир қаторда сизнинг мароқли ҳордиқ чиқаришингиз учун ҳам талайгина мақолалар чоп этилиб борилаётганлигининг гувоҳи бўласиз! Бунга шанба сонларини кузатишингизнинг ўзи кифоя. Шанба сонларимизда турли кўнгилочар мақолалар билан бир қаторда



Хўш, навбатдаги ушбу суратни қандай изоҳлайсиз?

НАВБАТДАГИ ЖУМБОК

сурат-лавҳалар ҳам бериб бориляптики, бундай суратлар сизларни бефарқ қолдирмаётганлигидан хурсандмиз.

Газетамизнинг ўтган сонларидан бошлаб, азиз муштарийларимизни мароқли дам олишлари учун яна бир янги рукн очдик. «Сиз қандай изоҳлайсиз?» деб номланган ушбу рукн остида сизларга мушоҳада турли мавзуларни ўзида акс эттирган

сурат-лавҳаларни чоп этиб бориш ниятидамиз. Чоп этилган сурат-лавҳаларга келадиган энг қизиқ изоҳларни эса, саҳифаларимиз орқали ёритиб боришга ҳаракат қиламиз.

Ана шундай сурат-лавҳалардан бирини газетамизнинг шу йил 18 январь №6 (11.497) сонидан сизга ҳавола этган эдик. Таҳририятимизга ўтган вақт ичида муштарийлардан кўплаб мактублар келди.

Куйида таҳририятимизга келган ана шундай изоҳларнинг айримларини сизларга ҳавола этишни лозим топдик.

Ҳамма учун ёз, куз, қиш, баҳор бор. Фақат мен учун мана шу тўқилган саватдан бошқа ҳеч нима йўқ.

А. Ҳошимов, Чиноз тумани.

Хўжайин ишқилиб мени эсдан чиқармаса бўлгани. Акс ҳолда шу саватчада бир умр



ўтиришимга тўғри келади.

М. Субҳонов, Ангрен шаҳри.

Эгамни хариди уша катта саватга жойлашсин-да. Бўлмаса, яна уйга югуриб кетишимга тўғри келади.

М. Шокиров, Тошкент тумани.

Кутаман, кутаман, ўзингни, Саватда ўлтириб, интизор.

А. Ёқубов, Зангиота тумани.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририят фахрийси, таниқли журналист, адиб Максуд Қориевга рафиқаси **Марғубахон аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУХИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-80.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.